

Аллоҳ таолога сажда қилишнинг фазли (5-тавсия)



05:00 / 11.03.2017 5978

Аллоҳ таолога сажда қилишнинг фазли (5-тавсия)

Маъдон ибн Абу Толҳа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлолари (озод қилган қуллари) Савбонни учратиб қолиб, «Менга шундай амални (ёки Аллоҳга энг маҳбуб бўлган амалларни) айтиб бергинки, уни қилсам, Аллоҳ шу сабабли мени жаннатга киргазсин», дедим. У жим тураверди. Яна сўраган эдим, яна жим тураверди. Учинчи бор сўраганимда эса шундай деди: «Бу ҳақда ўзим ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраганман. У зот шундай деганлар: **«Кўп сажда қил, чунки Аллоҳга қилган ҳар бир сажданг учун У Зот сени бир даража кўтариб, бир гуноҳингни кечиради».**

Имом Муслим, Термизий, Насоий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Изоҳ: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «**Кўп сажда қил**», деган сўзлари кўп намоз ўқигин, саждада узоқ вақт қолгин, деганидир.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман: **«Банда Аллоҳга битта сажда қилса, унинг сабабидан Аллоҳ унга битта яхшилик ёзади, битта ёмонлигини ўчиради ва бир даража кўтаради. Шунинг учун кўп сажда қилинлар»**.

Ибн Можа саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

Изоҳ: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Банда Аллоҳга битта сажда қилса»** деган сўзлари шукур саждаси, тиловат саждаси бўлса ҳам деганидир.

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Банданинг сажда қилиб, пешонасини тупроққа белаяган ҳолатидан кўра Аллоҳга маҳбуброқ ҳолати йўқ»**, дедилар».

Табароний ривоят қилган.

Изоҳ: ҳадисдаги пешонани тупроққа белаяш Аллоҳ таолога мутлақ бўйсуниб, хорликни изҳор этиш, қулликни эътироф қилишга ишорадир.

Ушбу ҳадислардан олинган фойдалар:

1. Аллоҳга энг маҳбуб амал ҳақида сўраш жоиздир;
2. Сажда Аллоҳга энг маҳбуб амаллардандир;
3. Аллоҳ банданинг ҳар бир саждаси туфайли унга битта савоб ёзиб, битта гуноҳини ўчириб, охирадаги даражасини бир даражага кўтаради;
4. Банданинг сажда қилиб турган ҳолати Аллоҳга энг маҳбуб ҳолатдир.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф тайёрлади.